

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАҒБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ЮРТИМИЗДА СОЗ ЧАЛМОҚДА НАВРЎЗИ ОЛАМ...

21 МАРТ КУНИ ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ МАЙДОНИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНДИ.

Дунёда неки фазилат, неки яхши хислат бор — барини Наврўзга сифат бериб, оралиб кутган онларимиз етиб келди! Истиқлолга эришган озоод Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг Халқлар дўстлиги майдо-нида Наврўз тантаналарига оқ фотиза бериб, оқ йўлнинг ҳам раъсий маъносини, ҳикмати бор. Зотан, қўйиб эли билан йўрилган Ўзбекистон замининда юздан ортқ миллат вакиллари елкама-елка туриб, истиқлолимизни мустақамлаш йўлидан порлоқ истиқбол сари дадил одимламоқда. Халқлар дўстлиги майдонидида тантаналарда юртимиз меҳнат аҳли тинчлик ва тотувликни нечоғли ардоқлаётгани, азалий анъаналарини, урф-одатларини янги мазмун билан бойитиб, араб-авайлаб келатгани яна бир бор намоён бўлди.

Халқлар дўстлиги, Фурқат кўчалари билан Ўзбекистон шоҳрўчаси кесилган жойдаги улкан майдон беназар кўри ва салобати ила кишини ҳайратга солади. Бутун у байрамона безатилган. Турфарағли байроқлар, санъаткор киялар кийган сержило миллий либослар уйғунлашиб, мисли чаманозга айланган. Айниқса, Ҳадра томондан назар ташласангиз, майдон тўрида қад ростлаган бино бағрини очиб, меҳмонларни чорлаётгандек туюлади.

Кочона пойида, мрамар зинаполлардан тушаверилган корпоралар ўрнақли. Бахмал кўричалар ёнлиб, неча-неча Наврўзларни қаршилаган отахонлар парестиларга суниб, савлат тўкиб ўтирибди. Ғузай Рамазон сабабли контакталар бўғдой майсалари, баҳор чечаклари, долалар билангина безатилган...

Соат миллир 11 ни кўрсатади. Халқлар дўстлиги саройининг ойнаванди эшикларини очилди, Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов, Республика Олий Кенгашининг раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулқодиқ Муталов, Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Аҳмад Фозилбеков ва бошқа раъсий кишилар чиқиб келди. Ислам Каримов отахонлар ҳу-



зурнига йўл олади. Юртбошимиз пойтахт маҳаллалари оқсоқолларини, улар сиймосида тошкентликларни, бутун республика аҳлини Наврўз айёми билан муборакбод этади. Янқасарой тумани маҳалла қўмиталари раислари вакили, Ўзбекистон халқ артисти Ориф хожий Алнамаҳсумов сўз олади. У мустақиллик шарофати билан асрлар синовидан ўтган урф-одатларимиз тикланаётгани, Парвардигори оламнинг муруввати боис рўшноликка чиққанамиз учун шукрона айтиб, эл-улусни мустақилликнинг машаққатли йўлидан дадил бошлаб бораётган давлатимиз раҳбарларини ҳақиқа дуойи фотиха қилади. Шодённага тўпланган тошкентликларини, хориний элчионаларининг вакиллари ҳамда пойтахтимиз

меҳмонларини — барчани уйғониш байрами — Наврўзи олам билан қўтлайди. Борлиқни карнай-сурнай наволари, чидирмалар жаранги тўтиб ютади. Кўррай замин тисмоси бўлиши шир осмон-фалакка кўтарилади. Унга она-Ватанимиз харитаси, миллий тамғамиз ҳамда байроғимиз тасвири туширилган. Карнайлар наъраси, доналар сдоси аста-секин узоқлашади. Ранг-баранг байроқ тутган туғдорлар орасидан ҳарир либос кийган «Баҳор» қизлари чиқиб келади. Улкан майдон узра Муҳаммаджон Мирзаевнинг маъшур «Баҳор» вальси янграйди. Республикаимизнинг машҳур санъаткорлари ҳамда пойтахтимиз туманларида фаолият кўрсатаётган ба-

дий ҳаваскорлик жамоалари тайёрлаган «Наврўз гуллари» вокал-рақс композицияси, барча вилоятлардан келган фольклор-этнограф гуруҳлар намойиш этган халқ кўшиқ ва рақслари, сумалак пишириш, келинсалома каби удуумларимиз акс этган томошалар йиғилганларда унутилмас таассурот қолдирди. Шу лаҳзаларда майдонга назар ташласангиз, ўзининг фасли баҳор оғушида, рақосу рақосалар, хонандаю созандаю даврасида — халқ ижодиётининг битмас-туганмас чапмаси қотишда тургандек ҳис этасиз. Халқлар дўстлиги майдонининг ҳар икки томонига Тошкент туманларининг савдо расталари ўрнатилган. Тахтаасупалар бадий ҳаваскорлар ихтиёрига бе-

риб қўйилган. Байрамнинг асосий тантаналари сарой пойидаги саҳнада кечса-да, бу ердаги жамоалар ҳам байрам руҳини янада бойитишга ҳизмат қилмоқда. Ҳар бир миллатнинг келажаги у тарбиялаб, вояга етказётган фарзандларига боғлиқ. Бизнинг ҳур Ўзбекистонимизда одобли, истеъдодли, қувноқ болалар шу қадар кўп экан. Президентимиз таъкидлаганидек, унинг келажаги порлоқ бўлади. Болалар боғчаларида тарбияланаётган кичкинтойларнинг қиқишлари, «Чаман», «Кўёш» каби болалар жамоаларининг камаладек товлавчу рақсларини қувноқ кўшиқлари шундан дарак беради. Қолаверса, республика Президентининг жажжи қизалоқларини меҳр билан

қўлига олиб, эркалагани ҳам бежиз эмас. — Янги йилга бағишланган қасидага айланган бўлса, композитор Р. Абдуллаевнинг байрам муносабати билан басталаган «Наврўз маҳжаси» вокал-рақс сюитаси кўнглиларга ўзгача ҳузур бағишлади. Халқлар дўстлиги майдонда бошланган байрам тантаналари азим Тошкентнинг истироҳат боғлари, ҳибобонлари, маҳаллаларию гузарлари оша диёримиз бўйлаб зўр қувонч ва шодлик ила одимлайди... (Ў.А. мухбирлари).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам Абдуганиевич ҚАРИМОВ
жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!
Америка халқи номидан Сизни ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросини улуғ айём — Наврўз билан муборакбод этаман. Янги йил Ўзбек халқига яна шунинг учун ҳам гуллаб-яшнаш, яшарлиқ фаслидиркин. Сиз бу улуғ айёмни иккинчи марта мустақил давлат сифатида байрам қилаётирсиз. Америка Қўшма Штатлари истиқлолингиз, эгамлигинингизни ҳамда ҳақиқий демократия, эркин бозор иқтисодиёти йўлидаги саяё-ҳаракатларингизни тўла қўлаб-қувватлайди. Оғир синовлар, қийинчиликларга дуч келатганингизни биламан, эзгу ниятларингиз инобат топиш йўлида сизлар билан ҳамкорлик қиламан деган умидамиз. Янги йил Сизга ва Ўзбекистоннинг барча фуқаросига тинчлик ва равиқ бахш этсин. Эҳтиром ила,
Билл Д. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президентя,
Вашингтон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Йўл ҳаракати хавфсизлигини кўнайтириш, фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлаш борасида қўшимча чоралар кўриш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги автотранспорт воситалари кимга тегишли бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бўш қарувчи ўнг томонда жойлашган бўлса, 1993 йилнинг 1 мартдан рўйхатта олинишига, 1993 йилнинг 1 июлидан эса улардан фойдаланилишига йўл қўймасин.
2. Ўзбекистон автомобиль транспортни давлат-акционерлик корпорацияси рул бошқаруви ўнг томонда жойлашган автотранспорт воситаларини республиканинг автомобиль таъмирчилик корхоналарида кейинчалик қайта жиқозлаш учун 2 ой мулдат ичида техникавий топширқини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги билан келишиб олсин.
3. Белгилаб қўйилсинки, импорт автомобиллар ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни мажбул бўлган тақдирдаги уларни олиб келиш ва рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилди.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида янабий фуқароларнинг рул бошқаруви ўнг томонда жойлашган автотранспорт воситаларининг транзит ўти-

шига, шунингдек улардан 1 ой мулдатга фойдаланилишига рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази Ўзбекистон Республикасида ўнг томондан ҳаракат қилиш қабул этилганлиги асослаиб, 1993 йилнинг 1 июлигача автотранспорт воситаларининг рул бошқаруви жойлашини тартибга солуви стандартини ишлаб чиқсин.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 октябрдаги 485-сон қароридан (2-илова) қўда тутилган транспорт воситаларини импорт қилишга вақтинчалик боғларнинг ставбаларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимча киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган хориний марказдаги транспорт воситаларига вақтинчалик боғларнинг ставбаларини мувофиқ равишда кўпайтириши қайта кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазиря
А. МУТАЛОВ.

(Вазирлар маҳкамасининг қарорига илова ва шарҳ газетанинг келгуси сонида босилади).

ФАРМОНГА АМАЛИЙ ЖАВОБ

«... Сизнинг турмушдаги, истиқболимиз гуллари бўлган болалар тарбиясидаги қувонч ва ташвишларингиз ҳаммамизнинг диққат-эътиборимиздадир. Бу борда ҳар қандай қийинчилик ва муаммоларни бартараф қилиш давлатимиз сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлиб қолаверадим...»

(Ўзбекистон Республикаси Президентя И. Каримовнинг «Ўзбекистон хотин-қизларига 8 Март табриги» да).



АГАР сиз шу кушларда пискентликларга: «Бу йилги Наврўз сизларга қай жиҳати билан муҳим?» — саволини берсангиз улар ана шу қўтлуғ айём арафасида ишта туширилган янги улкан шифоҳона ва иккита боғчага биринчи бўлиб тилга олишлари турган гап.

Дарҳақиқат, республика Президентя фармони билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни янада кўнайтириш, оналар ва гўдаклар саломатлигини мустақамлаш, уларга тиббий ҳизмат кўрсатиш даражасини ошириш, оналарга соғлом ва навиқрон, баркамол авлодни етиштиришларига амалий ёрдам беришдек ўта хайрли ва шарафли вазифаларни янада ўткирлаштирди. Вилоятимизда Фармонга жавобан дастлабки қадамлар қў-

йилмоқда. Пискентда Наврўз айёмида халқ ҳизматига берилган янги тиббий бирилшаси ва иккита муҳташам боғча бошланаётган катта ишларимизнинг деб-ҳисабидир. 20 март кунини минглаб пискентликлар ана шу янги муассасаларнинг очилишига бағишланган тантанали йиғилишига тўпландилар. Одатда фалон жойда янги кассалхона, мажбуаб ёни боғча фойдаланишига топширилди, деган ичкинагина кўруқ хабарини маълум қилиш билан чекланиб қўя қоламиз. Лекин ана шу бир неча сўз остида йиллаб чекилган машаққат, елиб-югуришлар, қийинчиликлар ҳамда қўрувчиларнинг катта меҳнатлари ётганлигини унутамиз.

Район ҳокими Абдусамид Носировнинг янги касалхона фойдаланишига топширишига бағишланган тантанали йиғилишнинг очилиш пайтида айтган сўзларининг мағзини чақсақ пискентликлар учун бу даволаш муассасасининг қадри ва аҳамияти нақадар беқиёслигини яққол кўрамиз. (Давоми 2-бетда).



ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК!

Бисмиллоҳир Раҳмонир роҳийм!

Ҳумлаи жаҳон мўмин-мусулмонлари учун азиз ва муқаддас бўлган саналардан бири Рамазон ойидир. Ислам таълимотига қўра, қайриб ўн тўрт асрдан буён башариатни рушду қилоот йўлига даъват этиб келатган Қўрбони Карим мана шу муборак Рамазон ойида нозил бўлган. Шу бондан ҳам Рамазон ойи муқаддас, бу ойда мусулмончиликнинг асосий руқнларидан бири — рўза тутиш фарз этилган. Бу руҳини ҳам, албатта, ислом динининг бошқа асосий устуналари сингари ўз-ўзидан шаклланмай, ижтимоий тараққийёт билан боғлиқ тарихий босқичларда юзга келган.

Ислам таълимотига қўра, Рўза ойининг жорий этилиши тарихига назар ташлар эканмиз, қўйидагиларни таъкидлаш лозим: мелодий ҳисобининг 622 (ҳижрийнинг биринчи) йилда пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом Маккаи мукаррамада Мадинаи мунавварага ҳижрат қилганларида бу маскан аҳолиси орасида Ашуро (муҳаррам ойида) кун рўза тутиш одат бўлган. Кейинчалик, анвирроғи, пайғамбаримиз Алайҳиссалом ҳижратларидан сўн 17 — 18 ой ўтган, яъни 623-йилнинг охирида унинг ўрнига Рамазон ойида ўттиз кун рўза тутиш фарз қилинди. Рўза тутиш катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамият-

га молик. Пайғамбар Алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан бирида — «уч кишининг дуоси рад этилмай қабул бўлади: оғиз очатган рўзадорнинг дуоси, алоқалар давлат раҳбарининг дуоси ва ноҳақ жабр кўрган кишининг дуоси» — дейилиши ҳам бу ибодатнинг нечоғли буюклигига яққол далилдир. Маврийд келганда шунини айтиб ўтиш керакки, муборак Рамазон ойида рўза ибодатидан бошқа яна бир қанча муҳим тарихий воқеалар ҳам қайд этилди. Шулардан энг муҳими — Рамазон ойининг 27-кунига «Лайлатул қадр» (тақдир кечасидир). Ислам таълимот асосини ва саҳобалар шаҳодатига, Қўрбони Карим айнан шу «Лайлатул қадр» тундида илк марта нозил бўлган. Бу ҳақда муқаддас китобда ҳам оқиқ-ойдин баён қилинган. Бу тун йилнинг энг яхши кечасидир. «Лайлатул қадр» улуғ айём сифатида алоҳида нишонланади. Муқаддас атишларнинг бонси ҳам шундайлики, Қўрбони Каримнинг «Ал-қадр» сурасида «Бу кечанинги фазилати минг ойдан ҳам афзалроқдир», шунингдек Ислам тарихида муҳим ўрин тутган воқеалар силсиласи содир бўлган. (Давоми 3-бетда).



(Давоми. Бошқ 1-бетда.)

Аҳоли учун хизмат кўрсатаётган айрим шифохоналар. — деди А. Носиров. 1913 йилда қурилган. Ундан кейингилари эса амаллаб мослаштирилган бинолар. Вундай шифохонада беморлар ва тиббиёт ходимлари учун мутлақо шароит йўқ эди. Зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналарнинг йўқлигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Пискентликлар ани шундай оғир бир шароитда янги шифохонани сабр-бардош билан кутдилар. Мана, ниҳоят уларнинг орзуси ўшaldi.

Район ҳоқими ана шуларни таъкидлар экан, бу улкан қурилишни амалга оширган республика ва вилоят ҳукумати, идоралари раҳбарларига, хусусан, райондаги 15-ҳўжаликларро, механизациялашган кўчма колонна бинокорларига, шифохона жойлашган майдонни тартибга келтириш ва обodonлаштиришга ҳисса қўшган барча ташкилот ва корхоналарга миннатдорчилик билдириди.

Шунингдек, А. Носиров вилоят ҳоқимлиги томонидан кўрсатилган катта амалий маддани алоҳида тилга олди. зарур моддий ва техник ёрдами кўрсатиб келганликлари, янги шифохонани жиҳозлашда зарур бўлган асбоб-ускуналар билан таъминланганликлари учун район меҳнаткашлари номидан самимий миннатдорчилик изхор этди.

Вилоят ҳоқими С. Д. Сайдалиев Пискент аҳолисини ва шифохона очилишига бағишланган йилгишда иштирок этаётганларни бугунги подиёна ва Наврўз айёми билан қизгин кутлар экан, жумладан шундай деди:

Президентимиз томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳаммамизнинг зиммамизга янги, ўта масъулиятли ва савобли ишларни юклайди. Имоним қомилки, аҳиллик ва уюшқоқлик ҳамда сидқидилдан киришсак бу вазифаларни удалаш қўлимиздан келади.

Келинглр, оналаримизнинг фарзанд доғини кўрмасликларни, гудакларнинг соғ ва бақувват бўлиб ўсишлари учун астойдил курашайлик, соғлом оналардан соғлом фарзандлар туғилади. Бунинг учун эса уларга барча шароитларни яратиб бермоғимиз зарур.

Шундан сўнг С. Сайдалиев 10 та рангли телевизорни бу шифохонага совға сифатида олиб келганлигини маълум қилди. Йилгилиш қатнашчилари бу хушхабарни эур қувонч билан кутиб олдилар.

Пискент аҳолиси, — деди ўз сўзида республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Қаримов. — Наврўз айёмида чиндан ҳам муносиб совға олди. Айниқса тиббиёт ходимларининг қувончи чексиз. Зеро оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишдек ҳаётбахш вазифа шифокорлар зиммасида. Ана шу бурнга чунки салдат кўрсатиш Президентимиз фармонига энг яхши жавобдир.

Шундан сўнг янги тиббий бирлашма бош шифокори М. Худойбердиева, 15-ҳўжаликларро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи А. Оқиллов, Улуғ Ватан уруши

• Соғлом авлод учун ФАРМОНГА АМАЛИЙ ЖАВОБ



фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист М. Самадов ўртоқлар йилгилиш қатнашчиларига табрик сўзлари билан мурожаат қилиши. Қурувчилар етатаниси Авазхон Оқиллов бош шифокор Меҳринисо Худойбердиевага янги бинонинг рамзий калитини топширади. Тантанали йилгилишдан сўнг у қаватли улкан шифохона бўлимларига кирмиз. Сиртидан оддий бинодек туюлган бирлашма бўлимларини кўздан кечирарканмиз, уларнинг жиҳозлари, кенг, ёруғ хоналар, махсус лабораториялар, чет элдан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар дастлабки тасаввуримизни бутунлай ўзгартариб юборди. Чинакам даволаниш мажмуида эканлигимизни энди чунқур ҳис этамиз. Бирлашманинг терапия, жарроҳлик, гинекология, реанимация каби ва бошқа бўлимларида

ган поликлиниканинг мажмуидаги район аҳолисига энди сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради.

Шу ўринда кўпчилигининг кучи, холис ёрдами, меҳроқибат, эзгу ишга ҳисса қўиши иштиёқи ҳақида инки оғиз тап айтишга тўғри келади. Шу кунги янги шифохона очилишида иштирок этаётганларнинг бу тиббий бирлашмага келтирган совғаларидан ҳаяжонланмай илож йўқ.

Вилоят ҳоқимлиги 10 та рангли телевизордан ташқари 50 та палос, 200 метр гилам поёндоз, турли идий-товуқлар, юмшоқ меибеллар, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир нечта музлатгич, бир неча минг дона бир марта ишлатилган игналар ҳамда бошқа жиҳозлар келтиришди. Жарроҳлик столлари, беморни назоратдан ўтказадиган кардонимонитор, оғир хасталар ётадиган кроватлар, Польшада ишланган ультраовулг билан текширадиган аппарат, Венгрияда ишлаб чиқарилган телевизор экранли рентген аппарати ва бошқа жиҳозлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан анча илгари берилиб, ўрнатиб қўйилган эди. Шунингдек, қўшни Олмалик шаҳри ва райондаги деярли барча корхона, хўжалик ва турли ташкилот, муассасалар янги шифохонани жиҳозлаш учун зарур бўлган нарсалар совға қилиб катта ҳиммат кўрсатишди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳам 3 тонна гурч келтириб, касалхона учун топширди.

Кўпчилигининг бир ёқадан бош чиқариши, аҳил ва уюшқоқлиги ирмоқлардан дарёлар ҳосил бўлишини эслатайдими? Қатрала қуёш акс этганидек ана шу кичик мисолларда агар кўпчилик ҳамкорлик қилса ва ўзаро ёрдамга келса ҳар қандай улғўвор вазифаларни ҳал этишга қодир қудратли тўлқинга айланмайдими? Бизингча, шу кунги эзгулигининг ана шу бир милтиллаган шувўласи барчанингни дилини ёртди...

Пискент Наврўз айёми либосида. Байрам устига байрам. Юқорида биз ҳикоя қилган янги шифохонани очилиш маросими тантанасида.


лари бошқа қувончли воқеалар билан улашиб кетди. Шу кунги иккита муҳташам болалар боғчаси бинолари ҳам фойдаланишга топширилди. Уларнинг бири — исми-жисмига монанд «Ширинтой». Уни ўша 15-колонна қурувчилари 360 ўрнига мўлжаллаб бунёд этишди. Бу ерда асосан оналар, она-сингиллар ва ўз қосоналари очилишни энтишиб кутаётган жажжи кичкинтойлар тўпланган эди. Ўйин-кулгу, хурсандчилик авжида. Боғчанингни очилиши билан йилгилишларни вилоят ҳоқими С. Д. Сайдалиев, республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Ўлдошев ўртоқлар самимий кутладилар. Жўра Ғаниевич «Ширинтой» эгаларига пианинони совға сифатида топ-



УШБУ суратлар Пискентда янги шифохона ва «Ширинтой» ҳамда «Наврўз» болалар боғчаларини фойдаланишга топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали йилгилишларда олинган. Суратларни Даврон АХМАД олган.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДАН БОШЛАНДИ

НАВРЎЗ байрами тантаналари вилоят ҳоқимлигидан бошланди. 20 март кунини бу ерда ҳоқимликнинг раҳбарлари, ижроия маҳкамасининг масъул ходимлари, уларнинг оила аъзолари, бошқармалар, бўлимлар ҳамда турли вилоят ташкилотларининг вакиллари, фахрийларимиз тўпланишида Наврўз таомларидан иборат тўкин дастурхон атрофида гурун давом этди. Қизгин сўхбатлар бўлди. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳим, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хоқиева ва шоира Гулчехра



СУРАТЛАРДА: (чапдан) ёзувчи О. Ёқубов йилгилиш қатнашчиларини кутламоқда; санъаткорлар хизматда.

